



ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ — ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИ ИШОНЧЛИ ВА АДОЛАТЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь кунни тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга иқтисодиётнинг таянчи сифатида қаралиб, бизнес муҳити тобора қўлайлаштириб борилмоқда. Маҳалладаги яқка тадбиркорликдан тортиб, йирик лойиҳаларга қўллаб-қувватланмоқда. Натигада бизнесга қизиқиш ва ундан манфаатдорлик ошириб бормоқда.

Бунинг бош омили ҳаёт талабидан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг ўз таклифлари асосида иш тутилаётганидир.

Анъанадигдек, бу йил ҳам 20 август кунни давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очик мулоқот қилди. Унда айтилган муаммо ва фикрлар асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, текширувларни тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Унга қўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб битта ҳуқуқбузарлик учун битта жавобгарлик чорасини белгилаш назарда тутилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилганлик учун молиявий жараима бекор қилинмоқда.

Шунингдек, рақамли маркировкалаш қоидаларини ҳамда фискал белгиларни акс эттириш тартибин бузиш, ҳодимлар сонини яшириш учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади.

Низолар ҳал қилинишини енгиллаштириш мақсадида 2025 йил 1 мартдан судда иш юритиш тарафлар келишуви билан тугатилганда давлат божининг бир қисmini қайтариб бериш тартиби жорий этилади.

Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ва уларнинг назорат соҳалари рўйхати тасдиқланади. Бунда рўйхатда йўқ масалалар бўйича тадбиркорлар фаолиятини текшириш тақиқланади. Тадбиркорлар фаолиятида ўтказилмаган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали хабардор этиш тартибидан амалга оширилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб текширувлар “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими доирасида тадбиркорларни 3 та тоифага ажратган ҳолда ўтказилади.

Тақдимотда, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятида ноқонуний текширувларнинг олдини олиш, назорат органларининг текширувчи ҳодимлари малакасини ошириш бўйича ҳам фикрлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари бу чораларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, амалиётда адолатли қўлланишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь кунни электр энергетикаси соҳасини трансформация қилиш, ҳудудлардаги электр тармоқлари бошқарувида хусусий операторларни жалб қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу соҳани ҳаёт талабига мос равишда ривожлантириш чоралари кўрилмақда. Электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш жараёнлари алоҳида компанияларга ажратилиб, инвестиция учун имкониятлар яратилди. Охириги беш йилда электр энергияси ишлаб чиқаришга 4 миллиард 300 миллион доллар инвестиция кириб келди, 5,7 гигаваатт янги қувватлар яратилди.

Тармоқдаги 4 та корхона — “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Худудий электр тармоқлари”, “Иссиқлик электр станциялари” ҳамда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятлари халқаро кредит рейтингини олишга эришди. Эндиги қадам — трансформация орқали рақобатбардош компанияларга айланиш. Бу электр энергияси истеъмолчиларга қаноатли етказиб бериш учун ҳам, инвестицияларни мустақил жалб этиш учун ҳам асосий омил.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Хар бир энергетика корхонасининг биринчи галдаги вазифаси таннархни камайтириш экани таъкидланди. Бунга лойиҳаларни мақбуллаштириш, йўқотишларни камайтириш

ва харидларни такомиллаштириш орқали эришиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақсимлаш тармоқларини хусусий шериклик асосида инвесторларга бериб, уларни модернизация қилишга 4 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мумкин. Шу мақсадда келгуси йилда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарёдаги тармоқлар бошқарувида хусусий операторларни жалб этиш режалаштирилмоқда.

Ўтган йили қабул қилинган энергетика рақобат бозорини ташкил этиш концепцияси доирасида тармоқ корхоналари трансформациясини тезлаштириш, уларда замонавий бошқарув тизимини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Келгуси йил энергетика корхоналари учун тежамкорлик ва самарадорлик йили бўлиши қатъий белгиланди. Тармоқ компанияларини қуйи бўғинга трансформация қилиш ва рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Мутасаддилар ушбу корхоналарда харажатларини самарали бошқариш бўйича режаларини баён қилди.

ЎЗА

Президент ташрифидан сўнг



МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Навоийнинг эртанги истиқболга дахлдор вазифалар белгилаб олинди



Ўтган ҳафтада Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик sanoat лойиҳалари, янги корхоналар ва таълим масканлари фаолияти билан танишиш мақсадида Навоий вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашиб, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича келгуси устувор вазифаларни белгилаб берди. Сафар чоғида Президентимиз билдирган ташаббуслар ва илгари сурган таклифлар вилоят фаоллари томонидан илиқ кутиб олинди.

Давоми 3-бетда

ОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИДАН ЙИРИК ЭКСПОРТЧИГА АЙЛАНГАН КОРХОНА

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига ташрифи чоғида Навоий шаҳридаги sanoat зонасида “NAVPROMLITMASH” масъулияти чекланган жамиятининг “Universal filter” бренди остида филтёр ишлаб чиқарувчи корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари бўйича ўтказган йиғилишда алоҳида таъкидлаб айтган “мутасадди идоралар маҳаллийлаштириш масаласида тегишли корхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилса ва тадбиркорларимизга зарур шароитлар яратиб берилса, ҳозирга қадар импорт бўлаётган жуда кўп маҳсулотларни ўзимизда бемалол ишлаб чиқариш мумкин”лиги ҳақидаги фикрлари нақадар тўғри эканини мана шу корхона мисолида яққол кўрса бўлади.

“NAVPROMLITMASH” масъулияти чекланган жамиятининг навоийлик танқиди тадбиркор Иброҳим Файзиев 2007 йили очган. Бизнес вакили “Фаол

тадбиркор” кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаккурномаси ва “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Корхонада sanoatда ишлатилмаган ностандарт ускуна ва бутловчи қисмлар, мис ва лату қувурлар, чўян ва пўлатдан қўйма металл маҳсулотлари, иссиқлик электр станцияларида фойдаланиладиган иссиқлик алмаштиригичлари, тоғ-кон sanoati учун хар хил турдаги бутловчи қисмлар ва ускуналар деталлари, автомобиллар ҳамда махсус техникалар учун хаво ҳамда мой филтёрлари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Давоми 3-бетда

Таҳлил ва таққос

6,6 фоиз ўсиш

БУНИНГ ЗАМИРИДА НИМАЛАР МУЖАССАМ?

Жорий йил 17 октябрда давлатимиз раҳбари ҳузурда 2024 йилда иқтисодиётда кутилаётган натижалар ва 2025 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Жаҳондаги қийин вазиятга қарамай, ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ўтган 9 ойда мамлакатимиз иқтисодиёти 6,6 фоиз, sanoati 7 фоиз ўсди. Йил якунигача камида 6 фоиз ўсиш кутилмоқда.

Жаҳоннинг кўлаб нуфузли рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистоннинг рейтингини барқарор сақлаб қолаётганини яққол баҳолаётти. Ташқи инвесторлар ишончи ортгани туфайли халқаро бозорларда 4 миллиард долларлик евробонд жойлаштирилди. Натигада жорий йилда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33 фоиздан ошди.

Асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолаётган ҳолатда бюджет даромадларини кўпайтиришнинг бирдан бир йўли солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш экани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари бу тадбиркорлар фаолиятига аралашиб орқали эмас, балки рақамлаштириш, сунъий интеллект ва яширин иқтисодиётни “соя”дан чиқариш ҳисобига бўлиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда 2025 йилга мўлжалланган иқтисодий режалар ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўсишини сақлаб

қолиш учун барча имконият борлиги айтилди. Бунинг учун режалаштирилган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, транспорт-логистика, ахборот технологиялари, агро ва молиявий хизматларни ривожлантириш талаб этилади. Булар ўз-ўзидан бўлиб қолаётган ёки бўлиб қоладиган ишлар эмас. Бунинг замирида пухта ўйланган режа ва ислохотлар муҳим. Бинобарин, сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш, ички ва ташқи бозорда миллий товарлар рақобатбардошлигини таъминлашга қатъий эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтиришга устувор вазифалар сифатида қаралаяпти.

Давоми 4-бетда



Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 140 йиллигига

МИЛЛАТ УЧУН ЖОНФИДОЛИК ҚИЛГАН БУТУН ОДАМ

6

РАДАРЛАР ҚАЙД ЭТГАН ҚОИДАБУЗАРЛИК УЧУН 48 СОАТЛИК МУДДАТ

Қоидабузарлик ҳақида шу муддатда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида маълумот юборилмаса, ҳайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Қонунчилигимиздаги бу каби янгиликлар йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда қандай самара беради?

Эрта тонгда ўқиш, иш ёки бошқа бирор юмуш билан уйдан кўчага чиқар эканмиз, шу лаҳзадан бошлаб ҳар биримиз йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Бу жараёнда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш хавфсизликнинг муҳим омилдир. Албатта, кўзланган манзилга тез ва осон етиб олишимиз учун, аввало, йўлларда яратилган шароитлар ҳам муҳим. Кейинги йилларда юртимизда бу соҳага эътибор тобора кучайиб, ҳуқуқий ва ташкилий ишлар қўлами кенгаётгани шароитларни яхшилашга асос бўлаётди.

Давоми 4-бетда

Кўҳна масканининг ўзгача қиёфаси

Сўҳдаги улкан янгиликлар ва бунёдкорликлар

Сўҳ ҳар қандай одамни мафтун этади. Олой тизмасининг Катронтоғ, Обишир, Лазар тоғ ёнбағрида жойлашган бу масканининг зилол булоқлари, жўшқин сойлари, кўкка талпинган арчалари ва бетакроп табиати ёрқин таассурот қолдиради. Камтар, сода, самимий, меҳмондўст одамлар кўним топган бу ажиб гўшада 83 мингдан ортиқ юртдошимиз умргузаронлик қилиб келади.



Бир пайтлар Сўҳ эътибордан четда эди. Тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, хомашё захираларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали одамлар бандлигини таъминлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган ва туманда ягона бўлган пойабзал фабрикаси фаолияти тўхтаб қолди.

Кўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан боғловчи инфраузилма тармоқларида ўзига хос қийинчиликлар бўй кўрсатди. Бу ерга келиш, ундан чиқиш учун чегара постларидан ўтиш, паспорт назорати билан боғлиқ ишлар кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқаргани бор гап. Фарғона ёки шундоқ кўшни Риштон туманига бориш учун юзлаб чақирим йўл босиларди.

Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўҳ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олис масканда янги ҳаёт эшикларини очди.

Бугун кўшни давлат чегарасидан ўтиб, Сўҳ туманига қадам қўйган киши улкан бунёдкорлик ва янгиликлар тўғрисида бўлади. Равон йўллар, замонавий уй-жой, ишлаб чиқариш корхоналари, электр, ичимлик сув билан боғлиқ ҳаётини масалаларга ечим топилди. Аҳолини иш билан таъминлаш, таълим, тиббиёт, қўйинги, барча соҳада ҳаётбахш ислохотлар амалга оширилди, ошириляпти.

Туманимиздаги муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. У йиллар давомида ечимини кутиб турганди. — дейди Сўҳ тумани ҳокими Сайидбахром Сайидмусоев. — Турли вазирлик вакиллари, сектор раҳбарлари, фаоллар билан ҳар бир маҳалла ва оилалар ҳаёт тарзини ўрганиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий чора-тадбирлар натижасида барча муаммога ечим топилди. Кейинги йилларда тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мева етиштириш, қайта ишлаш йўналишлари ривожланмоқда. Туманимизда салоҳиятли тадбиркорлар кўп, имконият ҳам, шароит ҳам керагидан ортиқ. Инвестиция жалб этиш, ишлаб чиқариш, иш ўрни очиб ва экспортни икки баробар ошириш имкониятига эгамиз. Бу ишларни бажариш учун ҳудудни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқдик. Хусусан, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида Сўҳ дарёси қирғоқларидан фойдалана бошладик. Сув ҳазалари ташкил қилиш орқали 60 тонна балиқ етиштириш, янги ўзлаштирилаётган Қайроқ массивидан 200 гектар ерни

ажратиб олиб, биринчи босқичда 80 гектарда кооперация усулида малиначилик плантациялари барпо этиш ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга бўлиб бериш чоралари кўриляпти.

Жавпая массивида ўзлаштирилган 60 гектар ерда доривор ўсимлик ва 100 минг туп тут кўчати экилган плантация ташкил этилмоқда. Бу туманимизда саннат пиллачилигини ривожлантириш, йилига 3-4 мартагача пилла ҳосили териб олиш имконини беради. Бугун саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 200 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Жорий йилда саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати 147,4 миллиард сўмга етказилади. Бу аввалги йилларга қиёслаганда 1,8 баробар кўп. Ҳозирги мураккаб шароитда жаҳон бозорига янги йўл очиб, инвестиция олиб келишга эътибор ошди. 2024-2025 йилларда умумий қиймати 46,6 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа шакллантирилди. Бугунгача 23,6 миллион доллар миқдорда тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Травертин ва гипс конларини ўзлаштириш ҳисобига саннатта қўшимча қиймат киритилиб, кўплаб янги иш ўринлари очилляпти.


Сўҳда етиштирилиб, қайта ишланаётган сархил мева-сабзавот ва саннат маҳсулотлари аллақачон мамлакат ва яқин давлатларда харидорини топиб улгурди. “Арслон экспресс инвест” МЧЖда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар кўпайиб, қўшимча 100 та иш ўрни очилди. “Сўҳ Шафран экспорт” ишлаб чиқариш кооперативи ташаббуси билан заъфарон доривор маҳсулотларини етиштириш ва қадоқлаш йўлга қўйилди. “Девайрон” маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошланган тикувчилик корхонаси маҳаллалардаги ишсиз ўтирган 100 га яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминлади.

Маҳаллий хомашёдан болалар ва катталар мавсумий трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. — дейди “Авилон Сўҳ” МЧЖ иш юритувчиси Флюра Бўтаева. — Маҳсулотларимиз икки бозордан ташқари Россия ва Озарбайжонга экспорт қилинмоқда. Йил охирига қадар экспорт қиймати бир миллион долларга етказамиз. Корхона хузурида қисқа муддатли ўқув курси ҳам очганмиз. Тикувчиликка қизиқчиларнинг шу курсларда назарий ва амалий билим олиши учун керакли шароит яратилган.

Тоғларга бўйлашган бинолар

Сўҳдаги улкан янгиликлар ва бунёдкорликлар ҳақида гап кетганда, албатта, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қилинган ишларга тўхталмай иложимиз йўқ. Ҳозиргача бу ерда бирорта кўп қаватли уй-жой қурилмаган. Шу боис, аксарият хонадонларда икки-уч оила бирга яшашга мажбур бўлган. Бугун бу борада янги тизим яратилди. “Чашма”, “Девайрон”, “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 7 та 220 хонадонли кўп қаватли уй-жой кўриб битказилди. Уларнинг 170 таси эҳтиёжман, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёз асосида берилди.

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Шу пайтгача бир уйда уч оила яшаб келганмиз, — дейди янги уй сохиби Додошоди Шодиев. — Тоғ ёнбағрида ҳар жиҳатдан қулай ва шинаман шундай кўп қаватли уйлар қурилади, дейишганида ишонмаганмиз. Ҳаммаси ҳақиқат экан. Икки хонали хонадонда эмин-эркин яшаймиз. Уйимизга туташ ҳудудларда болалар



Шерзод Қоробоев оғани суратлар.

майдончалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Айти кунда “Арслон Экспресс инвест” МЧЖ ташаббуси билан “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яна 3 та 7 қаватли уй-жой, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал қурилмоқда.

Ишсизликдан холи ҳудуд

Тумандаги катта муаммолардан бири ишсизлик эди. Ўтган қисқа муддатда бу йўналишда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Асосий эътибор аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад топишига кўмаклашишга қаратилди.

Сўҳ туманини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида йил якунига қадар

лари доирасида 364 фуқарога 7 миллион 791 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, ишсиз оилаларнинг 560 дан ортиқ аъзоси бандлиги таъминланди. Банк ҳисобидан ташаббускорларнинг 118 та микролоянҳаси учун 10 миллиард 40 миллион сўм кредит ажратилди. “Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида доимий даромадга эга бўлмаган, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар учун банклар томонидан 50 фуқарога 17 миллион сўмгача миқдорда микрокредит берилди.

Йил якуни билан камбағаллик даражасини 13,3 фоиздан 11,1 фоизга (йил бошига нисбатан 2,1 фоизга), ишсизлик даражасини 4,4 фоизга тушириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда, — дейди Сўҳ тумани камбағаллиқни қисқартриш ва бандликка кўмаклашиш бўлими раҳбари Қосимжон

йўналишида амалий кўмак берилди. Бунинг ҳисобига 530 кишининг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Келгусида уларнинг томорқадан олаётган даромади 60-70 миллион сўмга, жон бошига ойига ўртача 1,5-2 миллион сўмга етказилади. Бундан ташқари, тадбиркорлик қилиш истагидегиларга 13,2 миллиард сўм, ишсиз, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга 900 миллион сўм субсидия ажратилади.

Тиббиёт туризми ривожланмоқда

Сўҳ туманида тиббиёт туризмига эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Муссафо об-ҳаво, қулай ижтимоий муҳит, қўшни мамлакатлар билан бориб келишда йўлга қўйилган янги тартиб-тамоий, имтиёз ва имкониятлар маҳалли ва хорижий сайёҳларнинг бу масканга қизиқишини ошираётгани табиий.

Таҳлилларга кўра, 2022-2023 йилларда туманда умумий қиймати 2,1 миллион долларлик 11 та тиббий хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилди. Бу нафақат сўхлик, балки қўшни мамлакат фуқароларига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида қирғизистонлик 816 фуқарога тиббий хизмат кўрсатдик, — дейди “Сабрина Невромед” хусусий клиникаси раҳбари Солижон Мусаев. — Бу ерда замонавий диагностика, даволаш, жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ барча шарт-шароит яратилган. Айти кунда тиббий хизмат турларини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш бўйича ишлаяпмиз. Шу мақсадда янги тиббий жиҳозлар олиб келиш, шифокорлар малакаси ва маҳоратини ошириш, илгор иш тажриба ва амалиётини шу ерда оммалаштиришга эътибор беряптимиз.

Қирғизистоннинг Ҳайдарқон қишлоғидан келдим, — дейди Муҳиддин Матисоқов. — Бўғинларим оғригани боис, тез-тез шифокорларга мурожаат қилиб тураман. Бизга яқин кўшни ҳудудда замонавий тиббий хизмат турлари ва сифати яхшиллангани узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилляпти. Бу ерга келиб даволаниш ҳар жиҳатдан қулай. Аввало, яшаш жойимизга яқин. Қолаверса, малакали тиббий хизмат, тоза ҳаво соғлиғимизни тиклашда ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда. Авваллари бундай имконият йўқ эди. Даволаниш учун узоқ йўл босиб, туман ва вилоят марказларига боришга мажбур эдик. Айтиқса, қорли-қировли кунларда тоғ йўлларида ҳаракатланиш ноқулай эди. Энди бу қийинчиликлар ортада қолди.

Аҳоли ҳаёт тарзи, фаровонлиги учун муҳим шарт-шароитлар яратиш борасида бундан тўрт йил аввал бошланган ислохотлар самара берапти. Янги уй-жойлар, саннат, ижтимоий соҳа объектлари, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, малакали тиббий хизмат йўналишлари кўҳна масканга янги ҳаёт тарзини олиб кирди. Буларнинг барчаси олис тоқ қишлоқларда янги Ўзбекистоннинг янги тамаддуни юз очганидан далолат бериб турибди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар амалда

Кўпчиликка осон кўринадиган савдо-сотикнинг ўзи бўлмайди. Қайсидир ҳудуддан сифатли, иложи борича арзон товар топиб келиб, уни пуллаш учун кишидан анчагина маҳорат талаб этилади. Соҳада уддабурон бўлмаса, ҳисоб-китобни яхши юритмаса, иши узоққа бормаслиги аниқ.

Аббос анча ўйлаб, дўкон очди. Аммо шу яқин атрофдан улгурчи харид қилган молларига талаб унчалик юқори эмасди. Бундан ташқари, улгурчи дегани деярли бозордан фарқ қилмас, бирор сўм ортириш мумкин эди. Ёш бўлса-да, ишдан тўхтамади. Бошқалардан маслаҳат сўради. Тажрибали савдо ходимлари йўл-йўриқ кўрсатди. Тошкент шахрига, айнан у излаган товарнинг улгурчи бозорига бориб, арзон нархларда маҳсулот олиб келадиган бўлди. Энди савдоси юришиди. Сифатли кийим сотгани боис, харидор ўзи ишлаб келадиган бўлди.

Савдо олганидан кейин нима бўлди-ю, у сотадиган мол топилади қолди. Суриштирса, ўша маҳсулот келадиган давлат билан савдо йўллари ёпилибди. Қачон очилшини номаълум. Бу ёқда дўкон деярли бўшаб борарди.

“Хориждан маҳсулот келишини кутмаймиз, ўзимиз ишлаб чиқарамиз”

— Нима қилишимизни билмай қолдик, — дейди Қосон туманидаги ёш тадбиркор Аббос Раҳмонов. — Харидорларимиз ҳар кун сураб келар, лекин маҳсулот йўқлигидан тайинли жавоб беролмасдик. Энг ажабланирлиси, ўша пайтларда айнан эркаклар бош кийимини ишлаб чиқариш билан юртимизнинг деярли бирор ҳудудида ҳеч бир тадбиркор шугулланмас экан. Канчалик изламайлик, иложини қиловмадик. Охири шуни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, нима бўларкан, деган савол пайдо бўлди. Лойиҳа ишлаб чиқиш ҳаракатига тушдим. Хорижда ҳам менга ўхшаган одамлар шуни тайёрламоқда-ку, наҳотки мен эпполмасам, дея ўрганишга киришдим. Анча пайтгача айнан бош кийим савдоси билан шугулланганим боис, бир оз тажрибам бор эди. Шу сабаб интернет орқали хориждаги ишбилармонлар билан мулоқот қилдим. Хитойлик мутахассислар билан алоқа ўрнатиб, ускуналарни топдим. Сўнг имтиёзли кредит олиб, четдан керакли жиҳозларни келтирдим. Тикув машиналари харид қилдим. Аста-секин ишга киришдим.



Оилавий корхона ташкил этиб, тўрт киши билан иш бошлаган ёш тадбиркор дастлаб қийналди. Кўпчилик бунга эплаб кетишига ишонмасди. Баъзилар ёш йигит-

— Олдин ишсизлигим боис, маҳалламизда “Ёшлар дафтари” да рўйхатга олинганам, — дейди Зилола Бердиева. — Ёшлар етакчиси тавсияси асосида бу ерга ишга қабул қилишдик. Цехда иш бошлаганимга бир ярим йил бўлди. Икки миллион сўмдан ортиқ маош оламан. Ишчилар учун барча имкониятлар мавжуд. Яшаш жойимизга яқинлиги ҳам менга анча қулай.

ни бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. Шундай бўлса-да, у енг шимариб олға интилди. Янги йўналиш бўлгани боис, соҳада тажриба етишмасди. Тикувчилар кўп бўлгани

билан бирор киши айнан замонавий бош кийим тикитиш билмасди. Шунда у яна интернет орқали мутахассисларга мурожаат қилиб, ўрганишга интилди. Изланди, билмаганини сўради, маслаҳат солди, ниҳоят йўналишга тушиб олди.

— Қачон хориждан маҳсулот келаркан, дея термиллиб ўтиридаган вақтлар бугун ортада қолди, — дейди Аббос. — Аслида, киши бирор ишни бажаришни астойдил хоҳласа, бунинг уйдасидан қийинчиликлар бўлди, лекин тўхтатишни хаёлимга ҳам келтирмадим. Муҳими, айнан мен каби ёш тадбиркорлар кўллаб-қувватланаётгани катта куч берди. Бугун неча бор имтиёзли кредит олдим. Бугун хонадонимда тикув цехи очганман. Ҳозир қишқи мавсумга мос эркаклар бош кийими тикилмоқда. Ҳар фаслга қараб харидорларнинг талаби бўйича маҳсулотлар тайёрлаб берамиз. Айти пайтда кунига 600-700 дона тайёр маҳсулот тикиб, асосан, Тошкент ва Самарқанд шаҳри бозорларига етказиб берамиз. Мамлакат бўйлаб маҳсулотимизни сотиб олувчилар анчагина.

Аббос Раҳмонов оилавий корхонасида илк бор тўрт киши иш бошлаган бўлса, бугун улар сафи эллик нафарга етган. Цехда меҳнат қилувчи яқин атрофдаги хотин-қизлар, асосан, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”да рўйхатда турувчилар.

— Олдин ишсизлигим боис, маҳалламизда “Ёшлар дафтари”да рўйхатга олингандим, — дейди Зилола Бердиева. — Ёшлар етакчиси тавсияси асосида бу ерга ишга қабул қилишдик. Цехда иш бошлаганимга бир ярим йил бўлди. Икки миллион сўмдан ортиқ маош оламан. Ишчилар учун барча имкониятлар мавжуд. Яшаш жойимизга яқинлиги ҳам менга анча қулай.

Оилавий корхонада тикилётган бош кийимлар хорижикидан қолишмайди. Яна бир муҳим жиҳати, маҳсулотлар махсус бренд остида савдога чиқарилмоқда.

Ҳозир ойига ўртача эллик миллион сўмга яқин соф даромад олаётган ёш тадбиркор янги лойиҳалар устида ишламоқда. Унинг айтишича, қўшни маҳаллада яқинда сотиб олган жойида янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Келгуси йилда яна қўшимча камида ўттиз кишига иш ўрни очилади. Бундан ташқари, импорт ўрнини босувчи айрим маҳсулотлар шу ернинг ўзида тайёрланиб, ички бозорни арзон ва сифатли товар билан тўлдиришга замин яратилади.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ Янги даври

Навоийнинг эртанги истиқболига дахлдор вазифалар белгилаб олинди



Президент ташрифидан сўнг

Бошланиши 1-бетда

Рамазон ЭГАМОВ, олим:

— “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” тамойилининг ҳаётий ифодаси, назаримда, Навоий вилояти мисолида ёрқин акс этмоқда. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи давомида бу алоҳида эътироф этилди. Албатта, навоийлик ёшлар олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари бўйича республикада пешқадам экани бежиз эмас. Давлат дастури асосида аниқ фанларга йўналтирилган мактаблар фаолияти, мулк вақт замонавий мактаблар барпо этилаётгани, юқори малакали ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинаётгани тавли сифатини янада юксалтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида устозлар ва ёшлар билан мулоқот қилар экан, таълим жараёнининг муҳим бўғини бўлган тўғрақлар, хусусан, мушиқа, раҳсонлик, ҳунармандлик, спорт, IT соҳасига доир амалий машғулотлар хоналаридаги шарт-шароитларни кўздан кечириб, бундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёш авлоднинг интилишларини рағбатлантириб, уларга керакли тавсиялар ҳамда ўғитлар берди. Айниқса, шериатда истеъдодини намойиш этган ўқувчи қиз мисолида бир қатор ёшларга уларнинг олий таълим талабаси бўлишида алоҳида имтиёз берилиши, нафақат улар ва ота-оналари, барчамиз учун ҳам қувончли бўлди.



Навоий шаҳридаги 22-мактаб саховатпеша тadbirkor Абдукарим Саканов томонидан бунёд этилган. Бу ташаббуснинг давлат раҳбари эътирофига сазовор бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугун қишлоқларимиз қиёфаси шаҳар тусини олиб, туман марказларида кўп қаватли уйлар, замонавий бинолар жадал бунёд этилмоқда. Бундай ўзгаришлар самарасини Навоёҳор тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни вақтда туман марказига ташриф

бу юрган киши бу ердаги равоён йўллар, кўркам маҳалларга, ўзига хос мейморий ечимга эга иморатларга гувоҳ бўлади. Энг муҳими, туманда замонавий саннат комплекслари, таълим марказлари сони ҳам йилдан йилга кўпайиб, аҳолининг яшаш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Навоёҳор туманидаги политехникум айни шундай масканлардан бири саналади. Президентимиз ушбу таълим масканида бўлиб, фаолиятини эътироф этди ва бу йўналишда зарур тавсиялар берди.

Умуман олганда, мазкур замонавий политехникум санатга ўрта бўғин кадрлари етиштиришда юртимизда номдор муассасалардан бирига айланиши шубҳасиз. Ўқув маскани санатлашган Навоий вилояти худудидидаги йирик корхоналар учун рақобатбардор, ишлаб чиқариш кўникмаларини пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаб беради. Касбий таълим бўйича бу даргоҳнинг “Навоий таърибаси” сифатида эътироф этилгани муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур тарихий ташрифи навоийликлар ҳаётида муҳим ўзгаришларни, хусусан, вилоятимизнинг саннат ва таълим соҳаларидаги катта марраларини белгилаб берди.

Назира ТОҒАЕВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси:

— Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти, инсон манфаатлари йўлида кечаётган кенг қўллади ислохотлар самараси Навоий вилоятида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. Вилоят саннат салоҳияти юқори худуд ҳисобланади. Иқтисодий ва инвестициявий имкониятлар туфайли сўнгги йилларда бу салоҳият янада юксалиб борапти. Вилоят аҳли саннат, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, ватанимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнларда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Навоий вилояти кенгашининг ҳам амалга оширилган чора-таdbirkorлиги, ташаббус ва тақлифлари муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига ташрифи чоғида улкан индустрия лойиҳалари, янги корхоналар ва таълим масканлари фаолияти билан яқиндан танишди. Президентимиз Янги Навоий шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлиб, биз, нурунийлар ва зиёлилар билан ҳам самимий суҳбатлашди. Суҳбат давомида вилоятдаги 8 та туман ва 3 та шаҳарнинг эртанги кунни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келгани, йилдан йилга аҳоли сони ўсиб бораётган бир даврда



халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаб, келажак авлодга мустаҳкам замин яратиш каби улуг мақсадларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Навоийлик ёшлар ўзлари туғилиб ўсган жойларида ишлаб, яхши яшаш учун барча худудларда шароит яратиш энг муҳим вазифа экани, хусусан, Кармана туманидан Навоий шаҳрига ўтказилган 1100 гектар ердан биринчи босқичда 450 гектарга Янги Навоий шаҳарчаси қурилиши бошланиши айтилганда барчамизнинг қалбимиз севинчга тўлди. Шаҳарчада қад ростлайдиган кўп қаватли уйлар, 4170 ўринга мўлжалланган замонавий умумтаълим мактаблари қурилиши, 1620 ўринга

эга боғчалар, поликлиника барпо этилиши, “Янги Ўзбекистон” боғи, Навоий давлат педагогика институти негизида Навоий давлат университетининг ташкил этилиши барчамизни беҳад қувонтирди.

Президентимиз вилоятимизнинг салоҳияти ва ютуқлари билан бир қаторда ечимини кутиб турган муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳақида ҳам тўхтади. Мутасаддиларга четта ишлашга кетган одамлар билан гапириш, уларнинг оила аъзоларидан хабар олиш, даромадини ошириш учун шароит яратиш топширилди. Халқни рози қилиш, иш ўринларини яратиш, вилоятимизни камбағалликдан холи худудга айлантириш каби вазифаларни тизимли равишда етиштириш бўйича ҳам аниқ топшириқлар берди.

Умуман олганда, ушбу ташриф маънавий ҳаётимизда янги ислохотлар даврини бошлаб берди. Нурунийларимиз, зиёлиларимиз, касаба уюшмаси аъзоларининг, навоийлик йигит-қизларнинг, барча бугунда меҳнат қилаётган ходимларнинг анча вақтдан буюн кўнглида тўпланиб қолган муаммоларни хал этишга қаратилгани билан нихоятда аҳамиятли бўлди.

Илгари сурилган амалий ташаббуслар эса фақат биргина тизим энг вилоят, сектор, туман раҳбарларига тегишли эмас. Бу барча даражадаги раҳбарлар, жумладан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Навоий вилояти кенгаши зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Демак, белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз даркор.



Саодат БОЗОРОВА, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутати, профессор:

— Ўзбекистонимизнинг бепеён худудига Навоий номи берилиши ва бу тарихий

жараёнлар, назаримда, шу ерда туғилиб, ҳаёт кечирадиган бугунги ва келгуси авлодлар тақдирига битилган эзгу битикларнинг энг аъло-си бўлса ажабмас! Давлатимиз раҳбарининг бетакорр воҳамизга ташрифи чоғида бу ҳақиқат баралла янрагани қалбларимизда беҳад қувонч ва ифтихор ҳиссини пайдо қилди.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи давомида вилоятда 2025 йилни Алишер Навоий йили деб эълон қилиш тақлифини билдириши ва “Ҳазрат Навоийни англаш — ўзлгимизни англаш” мавзусида республика танлови ташкил этилиши, ҳар бир маҳалла, мактаб, олийгоҳлар ва меҳнат жамоаларида “Навоийхонлик кечалари” ўтказилиши бугунги авлодлар Навоий ижодини терефроқ англашига муҳим туртки беради. Бундан ташқари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари, қишлоқларида Навоий бобомизга атаб янги боғлар, сўлим хиёбонлар, яшил худудлар ташкил этилади.

Аслида, Навоий вилоятида фаолият юритаётган ҳар бир инсон, ҳар бир раҳбар Алишер Навоий номи билан аталувида бу замин масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда, ўз даргоҳида адабий муҳит яратса олма, демакки, кўзланган барча мақсадларимизга эришган бўлаемиз.

Шубҳасиз, Навоий йилида ўтказиладиган барча тadbirkorликлари Навоий ижодида қизиқилини кучайтиради ва миллий қадриятларимизни чуқур англашига турки беради. Бу эса нафақат тарихий, балки маънавий, интеллектуал ҳамда бугунги глобал даврдаги жуда муҳим жиҳат саналади. Ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида бундай байт бор:

Деди: ҳар ишқи қилмиши одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод...

Бугунги кунда Навоий вилоятида амалга оширилаётган йирик саннат лойиҳалари дейсизми, маънавий-маърифий йўналишдаги сай-ҳаракатлар ҳақида фикр юритасизми, бунда, аввало, етук тафаккур соҳиб сифатида жаҳон билан бўйлаштириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш каби улгувор мақсадлар мужассам. Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифи чоғида 7 миндан ортиқ кишини иш билан таъминловчи 15 та янги лойиҳа иш бошланган мазкур жараёнларнинг амалий ифодаси бўлди.

Алишер Навоий йили ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган ана шундай кенг қўламли мақсадларимиз рўйида янги саҳифалар очиб бериши шубҳасиз.



Ақром МУХИТОВ, Навоий вилояти Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

— Агар яшаш билмоқ, ҳис қилмоқ, дард чекмоқ, севмоқ, ёнмоқ, яратмоқ, ҳузур топиш бўлса, буларнинг барчасини ҳазрат Алишер Навоий асарлари орқали ўрганиш мумкин.

Шу боис, халқимиз Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини алоҳида қадрайди. Унда умуминсоний ғоялар, тилимизнинг беқеъ сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятлари гўзал ифодасини топанган.

Янги Ўйғониш — Учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратишга бел боғланган бугунги кунда Алишер Навоийнинг меросини чуқур ўрганмасдан илгарилаш анча қийин.

Йилгишда Президентимиз Навоий вилояти маънавий тарбия, маърифий юксалиш йўлида барчага ўрнак ва намуна бўлиши, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг маънавий брендига айланиши зарурлигини таъкидлагани фақатгина маънавий-маърифий соҳа вакилларига эмас, балки барча навоийликларга бирдек шарафли масъулият юклади. Бу борада барча соҳа вакиллари, кесаксо ёш бир бўлиб Навоий вилоятини юртимизнинг маънавий брендига айлантиришга, албатта, ўз ҳиссамизни қўшамиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Ғолиб АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.



ОДИЛ ОЛИМЖОНОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

— Мамлакатимизда бизнес юритиш учун қўлай шароит яратиш берилётганини кўриб, мен ҳам бизнес билан шуғулланишга қарор қилдим, — дейди Иброҳим Файзиев. — Ўзим саннат тармоғида ишлаганим, яхшигина тажриба тўплаганим, ишлаб чиқариш соҳасига қизиқишим катта бўлгани учун бизнесимни ҳам айнан ўзим яхши билган соҳадан бошладим.

Корхона очилган йили дастлаб оҳақ ва полизол (халқ тилида тўл дейилади) ишлаб чиқарилган, ҳоло 2017 йилдан корхона фаолияти кенгайиб, металлургия ва машинасозлик саннати корхоналари учун жуда керакли бўлган, асосан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натжидада 2020 йилда 3,5 миллиард сўмлик, 2021 йилда 4,1 миллиард сўмлик маҳсулот



ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириши даражаси 70 фоизга етказилди.

Корхонада 2020 йили 16 ишчи-ҳодим ишлаган бўлса, 2024 йил 1 октябрга келиб, умумий қиймати 20 миллион долларлик, 250 кишилик малакали жамоа шаклланган йирик мажмуага айланди. Ишлаб чиқариш қиймати бу йил 200 миллиард сўмга етди.

Ишбилармон фаолияти йўналишини ўзгартиришга қарор қилди. Металлургия ва машинасозлик саннати корхоналари учун

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ният қилди. Лекин бошланиши жуда қийин бўлди. Чунки мамлакатимизнинг йирик саннат корхоналари учун зарур барча асбоб-ускуна ва жиҳозлар хориждан олиб келинади. Масалан, тоғ-кон саннати, хусусан, олтин қазихида ишлатиладиган филтровчи ғалвирлар Англиядан, ҳар хил турдаги аралаштиригичлар Германия ва Финляндиядан, иссиқлик электр станцияларида фойдаланиладиган иссиқлик алмаштиригичлари АҚШ, Россия ва Чехиядан юқори нарҳда импорт қилинган. Бу ускуналарни хориждан сотиб олишга жуда катта миқдорда валюта сарфланар, энг ёмон, мазкур корхоналарда бу маҳсулотларни ўзимиз ишлаб чиқаролмаймиз, деган тушунча ҳукмрон эди.

Шунинг учун тadbirkorнинг бу борадаги дастлабки уринишлари кўп қаршиликларга дучор бўлди. Аммо йўлидан қайтмади. Ниҳоят ниятига ета бошлади. У ишлаб чиқарган жиҳозлар, ускуналар, деталларнинг сифати хорижийдан қолишмайди даражада экани эътироф этилмоқда.

Тadbirkorнинг бу муваффақиятга эришишида тармоқда ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш тизимини яратилгани жуда катта ёрдам берди. Навоий вилоятида жойлашган йирик саннат корхоналари, биринчи навбатда, Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимлари билан яқиндан мулоқот қилиниб,

жиҳозларга техник талаб, хомашё, эҳтиёж миқдори ва сотиб олиш имкониятлари чуқур ўрганилди. Уларнинг рўйхати тузилди. Комбинат раҳбарияти ва инженер-техник ходимлари “NAVPROMLITMASH” МЧЖга катта қўмак берди. Саннатда янги йўналишни бошлаб бераётган корхона жамоаси маҳаллийлаштириладиган жиҳозларни ишлаб чиқариш учун керакли ускуналарни хориждан олиб келди. Хомашё ўзимиздан топилди. Корхона мутахассислари билан ҳамкорликда уларнинг илк нусхалари ишлаб чиқарилди.

— Бугун фахр билан айта оламаники, саннат корхоналари фаолиятини чуқур билишим, эҳтиёжларини яхши ўрганганим туфайли заводимизда илгари хориждан импорт қилинган қўллаб маҳсулот турларини ўзимиз ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди Иброҳим Файзиев. — Энг муҳими, жамоамизда ҳар қандай ускуна ва детални ўзимиз ясаи олишимизга ишонч пайдо бўлди.

Заводда иссиқлик алмаштиригичлари ишлаб чиқариш бошлангани вилоят саннатиде катта воқеа бўлди. Бу наинки корхона, балки бутун худуд учун жуда катта ютуқ эди. Чунки улар хориждан катта валюта эвазига олиб келинади. Бунда қабул қилинган ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар муҳим омиг бўлди. Улар металлургия ва энергетика соҳасига оид маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга замин яратди. Бу эса завод эришган

муваффақиятларнинг асосий калити, ҳозирги ривожланиш босқичига етиб келишга асос бўлди.

Завод айни пайтда йилга 3 миллион донла саннат ва автомобиль филтри, мисдан 4 миллион донла электр наконечник, 3000 тонна чўян қўйма маҳсулоти, 5000 тонна пўлат қўйма маҳсулоти, 1000 тонна мис ва латун кувор ишлаб чиқариш қувватига эга.

Тасавур қилинг-а, 16 нафаргина одам ишлайдиган кичик цех мамлакатимизда бизнес учун яратиш берилган қўлай шарт-шароит туфайли бугун минглаб тонна чўян, пўлат, мис ва латун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик корхонага айланди.

Корхона Словакия, Россия ва Хитойдан келтирилган ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда жорий йилда янги методда, яъни газланган моделлар технологияси ёрдамида пўлат қўйиш линияси ўрнатилди ҳамда янги авлод гидрофлотацион машинаси ихтиро қилинди. Жамоа яратган янги усул қатор саннат корхоналари ва Олмалик кон-металлургия комбинатиде синновдан келтирилган ишлаб чиқариш йўлга қўйиш мақсадида ушбу маҳсулотга патент олиш учун Интеллектуал мулк агентлигига ариза берилган.

Ушбу янги авлод гидрофлотацион машинаси (3000-10 модели) металлургия, тоғ-кон саннати соҳасида аэрация йўли билан қимматбох рангли металларни рудадан ажратиб

олишда қўлланади. Машина ҳозирги флотацион машиналардан электр энергия сарфи бўйича бир неча баробар тежамкор ва юқори самардорлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, анъанавий флотацион машиналар рудадан 80-85 фоиз керакли рангли металларни ажратиб оласа, орқали бу кўрсаткич 95 фоизга етади.

“NAVPROMLITMASH” МЧЖ жамоасининг режалари янада улкан. Давлатимиз раҳбарининг жамоа билан учрашуви катта рағбат берди. Бундан куч олган завод ишчи-хизматчилари келгуси 5 йилда фаолиятини янада кенгайтириш, корхонада импорт ўрнини босувчи яна 50 дан ортиқ маҳсулотлар, жумладан, нефть-газ саннатиде ишлатиладиган бурғуш насослари деталли бўлган биметаллик втулкалар, иссиқлик электр станцияларида ишлатиладиган, юқори босим ва иссиқлик чидамли ўчириш клапанлари ишлаб чиқаришни, бу орқали хорижга чиқиб кетадиган валютани иқтисод қилишни режалаштирмоқда.


Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш, тadbirkorликка кенг эркинлик бериш, фаолиятга асоссиз аралашувларга чек қўйиш борасидаги изчил ислохотлар аллақачон мева бермоқда.

Давлатимиз тadbirkorлиқни кенг ривожлантириш учун яратиш бераётган қўлай шарт-шароитлар бизнес аҳлини илҳомлантирмоқда, ишлаб чиқаришда янги марраларни забт этиш учун катта рағбат бермоқда.

Жамоа ишлаб чиқаришни фақатгина маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш билан чекланиб қолмай, маҳсулотларини хорижда экспорт қилиш билан ҳам шуғулланмоқда. Бу йилнинг ўзида Россия, Қозғистон, Озарбайжон ва Тожикистонга экспорт қиймати 1 миллион долларга етиши кутулмоқда. Келгусида маҳсулотларни яна қатор давлатларга экспорт қилиш ва унинг миқдорини кескин ошириш чоралари ишлаб чиқилган.

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШ СЕРТИФИКАТИ

У БИЛИМ ВА МАЛАКАНИ ИФОДАЛАЙ ОЛАДИМИ?



Нуқтаи назар

Нафақат юртимизда, балки бутун дунёда чет тилларни ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Жаҳон ҳамжамияти интеграция жараёнига дадил ва фаол кириб бораётган паллада хорижий тил бўйича билимларга эҳтиёж ортиши табиий. Чет тилни билиш янги халқаро алоқалар ва дунёнинг турли бурчакларида одамлар билан танишиш, мулоқот қилиш, фикр ва ғоя алмашиш, дўстлик ҳамда профессионал алоқаларни ўрнатиш имконини беради.



Ютимизда хорижий тилларни ўрганишнинг омалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Утган йиллар давомида хорижий тилларни билиш даражаси сезиларли ўсди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик берган маълумотга кўра, тил билиш сертификати эга мактаб ўқувчилари сони жорий йилнинг август ойи ҳолатига кўра 37 минг 74 нафарни ташкил этиб, 2021 йилдагидан (10 минг 960 нафар) 3,3 карра ошган. Миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга педагоглар сони 2021 йилда

1944 нафар (5 фоиз)ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 27 минг 992 нафарга (56,5 фоиз) етди. Хорижий тилларни билиш сертификати турли мамлакатлардаги таълим муассасалари, иш берувчилар ва бошқа ташкилотлар томонидан талаб этиладиган тасдиқловчи ҳужжатдир. Халқаро сертификатни чет тилдан махсус имтиҳон топириши орқали олиш мумкин. Имтиҳонлар дунёга машҳур, тан олинган хусусий ва давлат ташкилотлари томонидан ўтказилади ҳамда қўллаб-қувватланади.

Бундай сертификатга эгалик нуфузли олийгоҳ ёки компанияга ишга кириш имкониятини сезиларли даражада оширади. Аини пайтда юртимизда тан олинган бир неча халқаро ва миллий сертификат амал қилади. Буларнинг ҳар бири турли йўналишларда ўқувчининг тил билиш даражасини аниқлайди. Аммо сертификат инсоннинг билими ва малакасини ҳам ифодалайди? Шу ҳужжатга эгалик илм-фанга қандай янгилик бера олади? Мутахассисларнинг шу ҳақдаги фикри билан қизиқдик.

Шухрат МУРТАЗО, Колумбия университети доктранти:

— Меҳнат фаолиятим давомида талабаларим ва уларнинг ота-оналаридан “Фалончининг IELTSи 7.5 экан, 8 экан, демак, жуда “каллали” экан, зуқко экан” қабилидаги гапларни кўп эшитганман. Ростдан ҳам шундайми? Ўқитувчи сифатида кузатганларимдан айтишим мумкинки, IELTSнинг банди бали ва юқори интеллект ўрғасида доим ҳам боғлиқлик бўлавермайди. Агар талабанинг билим ва салоҳияти кучли бўлса, бу IELTSдаги ютуқлари шарофати билан шакланган деб хулоса қилиш хато. Яъни ҳам IELTSда, ҳам дунёқарашда, ҳам интеллектуал салоҳиятда баравар юқори натижага эришган номзодлар бор. Аммо инсонда буларнинг бири бўлмаса, бошқаси ҳам бўлмайди, дегани эмас. Тил, асосан, мулоқот воситаси.



ланган. Шунингдек, аини тадқиқотда инглиз тилини ўрганаётган 117 талабанинг “кўп қиррали интеллект” даражаси ҳамда IELTS ва TOEFL тестларининг “тинглаб тушуниш” даражаси ўрғасидаги боғлиқлик ўрғаниб чиқилган, натижада бу икки кўрсаткич ўрғасида боғлиқлик йўқлиги маълум бўлган.

Шуниси диққатга моликки, сўнгги йилларда AQШдаги кўллаб нуфузли университетлар қабул жараёнида стандартлаштирилган тестлардан воз кечмоқда. Forbes нашри ҳисоботида кўра, бакалавр даражасини берувчи OTMларнинг 80 фоиздан кўпроги, жумладан, машҳур Гарвард, Йел ҳамда Колумбия университетлари ақин келажақда қабул жараёнида стандартлаштирилган тестлардан фойдаланмайди. Гарчи кўп вақт ва меҳнат талаб қилса-да, бу университетлар қабул қилаётган талабаларининг салоҳиятини индивидуал равишда ўрғаниб чиқиб, улар ёзган мотивацион эссе ва зарур ҳолларда онлайн интервью орқали танаоли олиш форматига ўтган. Мазкур олийгоҳлар ўзи қабул қарорларини чиқаришда бир-икки кулик тест натижаларига таяниб эмас, номзоднинг узоқ муддатли барқарор эришган ютуқларини, мактабда олган баҳосини, ўқитувчилар томонидан берилган тавсияномаларни, дарсдан ташқари ижтимоий лойҳаларда фаол иштирокни инобатга олади. Юқорида санаб ўтилган натижаларни AQШда осонлик билан қўлга кириштириб бўлмайди — бу учун мактабда йиллар давомида олинган баҳолар, орттирилган билим ва кўникмалар кўриб чиқилади.

Шахло ТЕМИРОВА, Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик Хорижий тилларни ўрганишни омалаштириш бошқармаси бошлиғи:



— Малака ва тил билиш сертификатлари мавжуд. Хорижий тил ўқитувчисининг дарс ўтиш малакаси, қобилиятини малака сертификатлари кўрсатади. Бунда ўқитувчининг хорижий тилни қай даражада билиши, ўқитишда қайси методлардан фойдаланиши, болалар тилни осонроқ ўрганиш учун нима қилиш кераклиги борасидаги билими синовдан ўтади.

Дунёда бўлаётган кўллаб ўзгаришларнинг манбаси хорижий тилларда ва унинг асл маъносини қақиб, яъни таржимасиз, ўз ҳолича тушуниш мумкин. Таржима қилинганда материалнинг асл маъноси, хоҳлаймизми-йўқми, энг камида 20 фоиз йўқолади. Таржимон ўз фикрини қўшиб таржима қилиб

бериши исбот талаб этмайдиган аксиома. Шу боис, чет тилни яхши билиш ва манбани тўғридан тўғри англаш асосий жараёндир. Тил билиш сертификати эса айнан тил ўрганиш учун қайси даражада эканининг ўлчови, мезони ҳисобланади. Мисол учун, мен хорижий тилларни жуда яхши биламан, дейишим мумкин, бироқ буни чет тили сертификатини кўрсатиш орқалигина исботлай оламан.

Тил билиш сертификатлари танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантира олади, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Ҳа, ёрдам беради. Масалан, IELTSда танқидий фикрлашга йўналтирилган саволлар, ёзиш, гапириш, ўқиш кўникмасида ҳар хил соҳага тегишли матнлар берилади. Шу билан бирга, ҳақ талаби кўйилганда ва таҳлил қила олишнинг лозими. Тезроқ фикрлаш, таҳлил қилиб, жавобини топишига керак бўлган саволлар тақдим этилади. Дунё рейтингларида, нуфузли университетларда тан олинган тил билиш сертификатлари, албатта, танқидий фикрлашни шакллантиради.



Муродбек ИСЛОМОВ, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети битирувчиси:



— Болаларга қайси ёшдан инглиз тилини ўргатиш керак? Шу ерда қарама-қарши фактлар бизни қийнайди. Сабаби олимлар фикрича, ёшлиқдан тил ўрганиши бошланган болаларнинг мия фаолияти бошқаларникидан тезроқ ривожланади ва мантиқий фикрлаш маҳорати кучли бўлади. Инглиз тилини ёшлиқда ўрганмаган, аммо аниқ фанлардан билими кучли, фикрлаш қобилияти яхши бўлган ўсмир ёшидаги ёки катта одамларда инглиз тилини қисқа муддатда ўрганиш, ҳатто бошқалардан муайян даражада илгариллаб кетиш ҳолатлари кузатилади.

Қисқа қилиб айтганимизда бўлса, мактаб ёшидан тил ўрганиб бориш яхши, бир жиҳатдан янги тилни ўрганишга қизиқиши ортади, мия фаолияти кучайиши, хотира мустақамлашиши, илмий салоҳият ошиши мумкин, лекин бу билан фокус фақат тил ўрганишга қаратилиб, бошқа асосий фанлар қолиб кетиши нотўғри.

Албатта, хорижий тилларни, айниқса, ҳозирги кунда инглиз тилини мукаммал билиш яхши жойларга ишга жойлаштиришга муайян даражада ёрдам бериши ёки ўз касбининг ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши мумкин. Сабаби ҳар қандай соҳада мутахассис ўзи ўстида ишлаши, тажриба орттириши, янгиликлардан бохабар бўлиши, дунёда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиши ҳамда турли маҳалли ва халқаро семинар-тренингларида қатнашиб туриши катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда одамлар бирор маълумот зарур бўлса, дарҳол интернетга кириб, ўзига керакли маълумотларни излайди. Интернетдаги асосий маълумотлар, манбалар, китоблар, қўллаб-қўллашнинг аксарияти инглиз тилида. Кўп олимлар илмий ишларини инглиз тилида бажаради ва дунёга шу тилда тақдим этади. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозирги кунгача Нобель мукофоти совриндорлари сони 900 нафардан ошган ва уларнинг катта қисми инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлардан. Масалан, AQШда Нобель мукофотига сазовор бўлган 413 нафар (дунё бўйича биринчи ўринда), Буюк Британияда 138 нафар, Канада ва Австралия каби инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда мос равишда 27 ва 14 нафардан олим бор. Инглиз тилида сўзлашувчи бу халқларнинг ўзи

Фирдавс СОБИРОВ, “Янги Ўзбекистон” университетининг кимё муҳандислиги факультети 4-босқич талабаси:



— Кимё фанидан халқаро олимпиадаларнинг 4 карра, республика олимпиадаларининг 2 карра голибиман. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Таҳсин” миллий мукофоти билан ҳам тақдирланганман. Икки йил олдин IELTS имтиҳонидан 6.5 баллни қўлга киритган эдим. Яқинда иккинчи марта шу имтиҳондан ўтиб, 7.5 балл тўплай олдим. Чет тилларни билиш менга мактаб ва университетда жуда асқатди. Мисол учун, халқаро олимпиадаларга тайёргарлик даврида, асосан, русча адабиётлардан фойдаландим. Аслида, рус тилини ҳам кимё фанидаги назарий ва масала ечиш китоблари орқали ўрганганман. Бу эса менга рус олимлари томонидан ёзилган китобларни ва тузилган масалаларни оригиналда ўқиш ва ечиш имкониятини берди. Нафақат тайёргарлик жараёнида, балки олимпиадаларнинг ўзида ҳам масалаларни айнан шу тилда ечганман. Масалан, Россия томонидан ўтказиладиган халқаро Менделеев кимё олимпиадасида масалалар биринчи рус тилида тузилди. Тилни билган ўқувчи уларни асл ҳолатда ечаве-ради. Лекин билмайдиган ўқувчилар учун ўз давлатидан келган менторлар масалаларни ўз тилига таржима қилиб беради. Табиийки, ҳар қандай нарса асл тилдан бошқа тилга ўғирилаётган пайти бу икки тилларнинг қийинчиликларига, солиштирма лексик бойлигига боғлиқ бўлмаган равишда қайси-дир даражада ўз маъносини йўқотади. Яъни таржима асдан кўра ғализроқ чиқади. Кимё фанида масала ечишда эса, албатта, унинг шартини тўлиқ тушуниш, моҳиятига чуқур етиб бориш жуда муҳимдир. Менинг рус тилини чет тил сифатида билганим ва буни олимпиадаларда ишлата олганим юқорида асосий омиллардан бири бўлган.

эса ўшанда саволларни рус тилига таржима қилдириб ечганим. Чунки грамматика нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам бу икки тил бир-бирига анча яқин. Шундан сўнг инглиз тилини чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳозир ўша саволларнинг асл вариантини олиб қарасам, нега мактаб пайти инглиз тилини ўрганмаган эканман деб кўп ўйлайман. Сабаби бу тил техник сўзларга жуда бой. Инглиз тилида шундай илмий атамалар борки, бошқа тилларда уларнинг муқобили таржималари учрамайди. Агар тилни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилсам, қийинчиликлар камроқ бўлади.

Шундай бўлса-да, ҳозир инглиз тили билимдон эканим, айниқса, ўз соҳамда аҳамиятлидир. Чунки кимё муҳандислиги — янгиликлар ва инновациялар соҳаси. Яхши кимё муҳандиси дунё илмий ҳамжамиятидаги янгиликлардан, иختиро ва кашфиётлардан бохабар бўлиб туриши лозим. Қандай назариялар ишлаб чиқарилиши, қандай янги моддалар синтез қилиниши, катализаторлар кимёсида нима янгиликлар? Буларнинг бири муҳим ва чет тилни билганим учун бу янгиликлардан хабардорман.

Зийрак ўқувчининг мақсади тил ўрганиш эмас, балки шу тилни ўз соҳасида ишлата олиш бўлиши керак. IELTSдан 8.5 ёки 9 балл оламан деб ўн йиллар инглиз тилини ўқиш ўрнига 7-7.5 баллнинг ўзи билан қифояланиб, бошқа соҳаларга, илм-фанга кўпроқ эътибор қаратиш керак деб ўйлайман. Бу қисқа муддатли тажрибадан чиқарган хулосам.



Нарғиза ҚЎЧҚОРОВА, халқаро эксперт, Notpby халқаро стипендиаси стипендианти:

— IELTSга тайёргарлик жараёнида кўп ўқувчилар берилган саволга мантиқий жавоб бериш, иншо ёзиш, фикрини тўғри баён қилиш, далиллар келтиришни ўрганади. Бунда 5 хил иншо ёзиш талаби келтирилган. Масалан, бир нарсанинг афзаллик ёки салбий жиҳатини таҳлил қилиб бериш керак бўлади. Бу коммуникатив компетенцияларни эгаллашга кўмак беради. Озгача ва ёзма нутқни тушуниш, мулоқот қила олиш ва бошқа кўникмалар шаклланади. Шу боис, мен тил сертификатини олаётган болалар тилни автоматик, юзаки ўрганипти, дея айта олайман. Ўқув дастурларида бошқа фанларнинг баланси келтирилган. Шу жумладан, хорижий тиллар ҳам аниқ мезонлар асосида ўтилмоқда. Ҳозирги қабул қилинган тизимда танлов фанлари, вариатив фанлар бор.

Тилни эрта ўрганиш когнитив ривожланиш ва қизиқишни оширади. Аммо ўқувчиларнинг бошқа асосий фанларини бой бериш ҳисобига фақат тил ўрганишга берилиб кетмаслигига эътибор қаратиш лозим. Хорижий тилларни билиш, айниқса, бутунги глобаллашган дунёда профессионал имкониятлар ва кенг манбаларга йўл очади. Умуман олганда, тил кўникмалари асосий тажриба билан бирга ривожланиши, индивидуал мартаба йўллари ва эҳтиёжларига мослаштирилиб, ҳар томонлама шахсий ва профессионал ўсишни таъминлайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.



Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 140 йиллигига

МИЛЛАТ УЧУН ЖОНФИДОЛИК ҚИЛГАН БУТУН ОДАМ

Қайси инсон бошига беаёв ташвишлар ёғилишини истаган дейсиз? Ким ҳам роҳат-фароғатда яшашни хоҳламайди? Ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатлари ҳақида ўқир эканмиз, яқин тарихимизда не-не қулфатларни бошидан кечирган юзлаб зиёлиларнинг азоб-уқубатлари, оғир ҳаёт йўли қалбимизни вайрон қилади. Уларнинг қисматидан кўзимиз аччиқ ёшга тўлади.

Жадидларнинг айби нима эди? Улар ёлгончи эдими, ўғрилик қилганмики ёки бошқа оғир жиноятга қўл урганмики? Йўқ, аксинча, улар бундай хунук қилмишларга бутун ҳаёти давомида тиш-тирноғи билан

Тарихий ўтмиши икки минг йилдан зиёд бўлган Хондайлиқ қишлоғида нафақат ўз макони, балки бутун Шарққа маълум ва машҳур бўлган Мирзоҳидхонд ўлими зиёли инсон яшар эди. Унинг донги олисларга кетганди. Бунинг исботи шуки, Мирзоҳид ота хонадонидан очган мактабда Чимкент, Сайрам томонлардан, ҳатто Фарғона водийсидан талабалар келиб, таълим-тарбия олар эди. Бозорбоши маҳалласининг бош қисмида олисдан келган талабалар учун ётоқхона ташкил этилганди. Унда кўп сонли талабалар яшарди. Бағрикенг, олижаноб устоз илм толибларидан зинҳор ётоқ учун ҳақ сўрамас, улар ҳовли-жойини обод, фаровон қилиш учун баҳоли қўларат кўмаклашарди. Уларнинг ҳаётини тартибга солиб, мувофиқлаштириб турувчи Имомали исми хондайлиқлик йигит Мирзоҳид домлани ўнг қўли ва жонкуяр кўмақдоши эди...

Ушбу хонадонда учинчи бўлиб 1884 йилда дунёга келган Сирожиддин исми фарзанд ўн тўққиз ёшга етганда хонадон бағридан катта шаҳар — Тошкент томон йўлга тушди. Бу хайрли, аммо азоб-уқубатли йўлдан ўзлини қайтара олмаган ота тақдирга тан бериб, унга энг ишончли кўмақдоши бўлмиш Имомали домлани ҳамроҳ қилди. Бу даврда, яъни 1900-йиллар бошларида Имомали ота Мирзоҳид домла қўлидан ўтиб, аввал Кесаққўрғон, кейинчалик эса Бекларбеги мадрасаларида ўз ўрнини топиб улгурган эди.

Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидхонд ўғли Сидқий Хондайлиқий даврининг энг оғир, синовли вақтида Тошкент шаҳрида

азоб-уқубатлар билан яшай бошлади. Бу даврда бутун Шарқнинг зиёлилари, ўқиб ва илмга ташна ёшлар Тошкентга интиларди. Улар бу шаҳарда ватанпарвар, адолатпарвар инсонлар билан дўстлашиб, нури йўлда олға қадам босмоқда эди. Ана шундай катта даврда Сидқий тез фурсатда кўзга ташланди. У туғма олижаноблик, халқпарварлик, ҳақиқатсўйлик, одамоҳунлик сингари фазилатлари орқали сафдошлари ҳурмат-эътиборини қозона бошлади. Шу билан бирга, Шарқ халқлари мустақиллигини таътир билан йўқ қилишга шайланган босқинчилар назарига ҳам тушиб, умрининг муайян қисmini катта шаҳардан олисда ўтказишга мажбур бўлди. Жадидларни бўлар-бўлмаг айбловлар уюштириб отиш, осий, сургунга гирифтор айлаш каби ёвузликлар кутиб турар эди.

Сирожиддин Сидқийнинг ҳам шундай кўргилликлар кутаётганини билган сафдошлари янги очилган йўл орқали вагонга жойлаштириб, Фарғона водийсига жўнатиб юборди. Шундай қилиб, “Вагон таърифида” деб номланган шеър йўл-йўлакай дунёга кел-

ган эди. Сидқий Хондайлиқий авваллари Шавкат, Шеван каби тахаллуслар танлагани маълум. Фарғона водийсидан уч йилдан зиёд азоб-уқубатлар қуршовида қовурилган серқирра адиб жонанон қишлоғини кўмсаб, сўнгги бор қатъий равишда ижод маҳсулларига Сидқий Хондайлиқий тахаллусини танлаб олди. Бунинг сабаби ва исботи сифатида “Хондайлиқ тарихи” деган мақола-сини ёзди. Ушбу мақола кўлемаси ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтинда сақланмоқда. Кейинроқ “Ватан” шеъри ҳам шу соғинч асосида тузилган эди.

Ватан надири: туққон ерим, тургон ерим, Усиб-униб, уйнаб-қулиб юргон ерим. Ватан менга ҳақиқатда кўндок каби Тарбиянинг негизини кургон ерим. От-эшакда ўрдан-қирдан буедой ташиб, Иссиқ кунда ўнаёйсизлик кургон ерим... Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан, Эсдан чиқар они кўргоч, кургон ерим. Сидқий, мени меҳнаткичи гарчанд эзар, Қайга борай, даври даврон сургон ерим.

Сирожиддин Сидқий қайда бўлмасин, ўзи сингари ҳақиқатпарвар, ватанпарвар дўстлар билан топишар, нури йўлда улар билан бирга қадам ташлар эди. Фарғона водийсидан ҳам Риёзий Андижоний сингари одамоҳун, меҳрибон дўстлар орттирди. Имомали ота бориб олиб қайтгунга қадар водийлик дўстлари ҳимоясида бўлди.

Буни қарангки, Тошкентда шоирни кутиб турган соғув хабар бор экан. Дўстлари хатлардан огоҳ этиб, уни Сибир сургунчи каби фалокатдан асраш мақсадида Товоқсой кўрғонидан Парғиз қишлоғига жўнатишди. Бу жойда Хондайлиқдан кўчиб келган қишлоқдошлари яшарди. Улар қишлоқдоши Сирожиддин Сидқийни қучоқ очиб кутиб олди. Ҳатто хашар уюштириб, тез фурсатда шинамгина ҳовли-жой тиклаб берди.

Шоирни серқирра адиб, ҳаётнинг ҳар жаҳасида маҳоратли инсон, дейиш мумкин. Шу боис, Сирожиддин Сидқий янги бунёд этилган ҳовлисини таниб бўлмаг даражада гўзал максадан айлантиради. Турли даракларни ҳар хил усулда пайвандлайди. Унинг

маҳорати, изланувчанлиги боис, ҳовлисидан қишин-ёзин ўсимликлар яйраб-яшнаб турарди. Буни кўрганлар хайратланар, қойил қоларди. Ҳовлидаги бир туп тол даракхига ҳар йили лайлак ин қураб ва бола очарди. Бу бир жонотнинг ҳовли эгасига меҳр ва ишонч ифодаси эди.

Куз кунларининг сўнгги дамларида Сирожиддин Маҳдумнинг бирдан тоби қочди. Ҳарорати баланд эди. Ўзи табиб сифатида юзлаб беморларни даволаган бўлса-да, бу сафар қимирлай олмасди. Юқори ҳароратдан ташқари бош оғриғи туришга, бирор муолажа қилишга йўл қўймасди. Шоирнинг қизлари чопқиллаб бориб, Тўхтамурод исми фельдшерни чақириб келди. Тўхтамурод тун ярмида келиб, бир дори берди-да, чала хайрлашиб, жўнаб кетди. Тонг саҳарга бориб жадидларнинг ишончли ҳамда таниқли устози Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидхонд ўғли Сидқий Хондайлиқий элик ёшида оламдан кўз юмди.

Жадидларга қарши тиш қайраган айрим гуруҳлар уни дин душмани деб айблаган эди. Аммо адолат доим қарор топиши рост. Серқирра адиб ёзиб қолдирган “Мезони шарият” каби ажойиб асарларни муҳлислар хануз қўлидан қўймай ўқимокда.

Сидқий умрининг сўнгги дамларида ушбу ўғитларни кўп айтган экан: “Одам уч хил бўлур, бутун одам, ярим одам, одам ҳисобинда бўлмаган одам. Бутун одам улдукри, ўз ақлига иш бериб, касбу корга машғул бўлур, киришур ва тиришур. Ярим одам улдукри, бирор ишнинг уҳдасидан чиқа олмас, ўзганин иршоиди (далолати) бирла ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам улдукри, на унисининг ва на бунисининг уҳдасидан чиқар. Улар ялқовлар, дангасалар, текинхўрлар жамоаси эрурки, таъма бирла кецирур”.

Миллат, ватан учун жонини тикишдан ҳам чўчимаган Сидқий Хондайлиқий каби бутун одамларимиз ҳаёт ва ижод йўли ёшларимизга ибратдир. Зеро, ватан шаънини баланд кўтармоқ, унинг корига яраш учун шу йўлни босиб ўтган улуглар ҳаётидан намуна олиш керак бўлади.

Асад АСИЛ, ёзувчи



қарши курашган. Ана шу ҳақ йўлидаги кураш, ўз халқи ҳақида қайғуриши уларнинг энг катта “гуноҳи” эди. Ҳа, жадидлар ҳақиқат, адолат учун курашиб, қалблари буюрган пок ва нури йўлдан умрлари сўнгига қадар олға юрди.

УЛУГЛАРИНГ – ЮКСАКЛИГИНГ, ҚАСРИНГ, ВАТАН!

Олтин кузнинг ёқимли шаббодаси кезган тонг чоғида бир гуруҳ ижодкорлар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Хондайлиқ қишлоғига йўл олди. Автобус ойнасидан бирин-бирин алмашиб бораётган табиат манзараларини кузатиб боряпти. Бир маҳал ҳамроҳларимиз мушоира бошлаб юборди. Улар атоқли шоир, хаттот ва таржимон Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидхонд ўғли Сидқий мисраларини ҳам ўзгача завқ ва сурур билан ўқий кетди.

Нихоят азим тоғлар салтанатига кириб борар эканмиз, қизил, сориг, яшил ранглар симфониясидан таъсирланган филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим айни сафаримиз дебочасига мос мулоҳазани баён этди: “Бу ерга келгунимизча кўп манзиллардан ўтдик, лекин Хондайлиқ

манзаралари бизга ҳамма кўрганларимиздан азиз ва мўъжаз эканини ҳис қилдик. Чунки миллатимиз жонкуяри, маърифатпарвари Сидқий Хондайлиқий муҳрак, яъни муҳр ясовчи бўлган. У нафақат ўз ҳунари, балки ижоди, Ватанга бўлган меҳри билан халқимиз қалбига ўз муҳрини босиб кетган”.



Дастлаб Хондайлиқ қишлоғида ташкил этилган Сидқий Хондайлиқий номидаги кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда зиёлилар, ижодкорлар, нурунийлар ҳамда ҳудуд фаоллари иштирок этди. Шоир туғилиб

ўсан Хондайлиқ қишлоғидаги маҳалла биноси ёнида мазкур мўъжазгина кутубхона 3 мингдан зиёд китоблар фонди билан бойиди. Очилиш маросимида рамзий лента қирқилгач, иштирокчилар кутубхонада яратилган шароитлар билан танишди.

Шундан сўнг ижодкорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари “Чорвоқ” оромгоҳида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган “Ватан надири, туққон ерим, тургон ерим” номли адабий-маърифий хотира кеча-сида жам бўлди.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларда халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган атоқли шоир ва ёзувчилар, ижод аҳли намоёндаларининг таваллуд саналарини кенг нишонлаш ҳамда фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сидқий Хондайлиқий хотираси ва ижодига бағишланган кеча ҳам ана шундай эзгу ишларнинг узвий давомидир.

Адабий кечада Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Бўстонлиқ тумани ҳокими Жўрабек Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири Маҳдум Тоир, адабиётшунос олим Баҳодир Карим, “Саодат” журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова, шоир Зоҳиджон Олов сўзга чиқди.

— Илк шеърларини “Шуҳрат”, “Шеван” тахаллуслари билан ёзган, — деди Иброҳим Ғафуров. — Кейинроқ барча асарларини Сидқий Хондайлиқий тахаллуси билан чоп эттирган. Поэтик ижодининг асосий қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий шеърлар ташкил қилади. Ижтимоий мавзудаги шеърлари эса ўша даврнинг муҳим воқеаларига бағишланган. Яна бир муҳим жиҳати, Хондайлиқий араб, рус тилларини ҳам жуда яхши билган. Айниқса, унинг икки жилдли араб тили эртгақлари китоби диққатимни тортган. Бу таржимани ўқиб, жадид боболаримиз ўзбек тилини мукамал ўзлаштирганига гувоҳ бўлганман.

Тадбирда улуг ижодкор қаламига ман-



суб асарлар жамланган сайланма китоб нашр қилинаётгани ва тез кунда кенг жамоатчиликка тақдим этилиши таъкидланди.

“Сўз оқил дилдан қолур ёдгор”, дея бежиз айтишмаган. Миллат озолиги ва тараққиёти учун курашган боболаримиз сафидан ўрин олган Сидқий Хондайлиқийнинг ўгли мисралари ҳам айни замонамизнинг ноёб ёдгорлигидир. Бироқ бу ноёб мероснинг ҳали кўп қирралари кашф этилгани йўқ.

Анжуман хотимасида қатнашчилар шоирнинг ҳалигача аниқланмаган қабри, тадқиқ этилиши кутилаётган бир қанча достонлари ва шеърлари бор эканини ҳам таъкидлади. Бу каби адабий анжуманлар жадидларимиз эҳтиш билан болгик маърифий-маънавий изланишларга туртки бўлса, ажаб эмас.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бўюртма — 3850
41157 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй